



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021-yil " 1 " mart

Қ-125 -son

Termiz sh.

**Ер майдонини захирага
қайтариш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5, 36 ва "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуннинг 6-моддасига асосан, "BANDIXON AGRO BOG'LARI" МЧЖнинг 2021 йил 10 февралдаги 3-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. "BANDIXON AGRO BOG'LARI" МЧЖга боғ ташкил этиш учун Бандихон тумани "Наврўз" массиви худудидан доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилган жами 100,0 гектар яйлов ер майдони Бандихон тумани ҳокимлиги захира ер фондига қайтариб олинсин.

2. Вилоят ҳокимининг 2020 йил 30 сентябрдаги Қ-505-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Кадастр агентлиги вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов) ер майдони қайтариб олиниши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов